

Гуноҳларнинг мағфират қилинишига сабаб бўлувчи дуо ва амаллар



11:02 / 17 август 1047

1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бирор янги кийим кийиб, «Алҳамду лиллаҳиллазий касаний ҳаза ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлин минний ва ла қуввах», деса, Аллоҳ унинг олдинги гуноҳларини кечиради», дедилар.

Абу Довуд ривояти.

2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Кимки таом еб, «Алҳамду лиллаҳиллазий атьоманий тоъама ҳаза ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлин минний ва ла қуввах», деса, Аллоҳ унинг олдинги гуноҳларини кечиради».

Абу Довуд ривояти.

3. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким менинг ушбу таҳоратимдек таҳорат қилиб, орқасидан икки ракат намоз ўқиса, ўша намозида ўзи билан гаплашмаса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» дедилар».

Бухорий ва Муслим ривояти.

4. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким таҳорат олса, таҳоратни чиройли қилса, сўнгра фарз намозини адо қилиш учун

(масжидга) борса, имом билан бирга намозни адо қилса, унинг гуноҳлари кечирилади» дедилар».

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким муаззинни эшитган пайтда, «Ашҳаду аллаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, ва анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва расулуҳ. Розийту биллаҳи роббан, ва бил Ислами дийна ва биМуҳаммадин расула» деса, гуноҳлари мағфират қилинади», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

6. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ҳар бир намоз сўнгида ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар», деб юзинчисини «Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр», деб айтса, гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам, кечирилади», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

7. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайин қодир, ва ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳи, субҳаналлоҳи вал ҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деса, гуноҳлари денгиз кўпиги қадар кўп бўлса ҳам кечирилади», дедилар.

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ер юзида бирор киши «Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, ва ла ҳавла ва ла қуввата илаа биллаҳи» деса, албатта, унинг хатолари каффорат қилинади, агар денгизнинг кўпигича бўлса ҳам», дедилар.

9. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бир кунда юз марта «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» деса, унинг барча гуноҳлари, ҳатто денгиз кўпигидек бўлса ҳам кечирилади, дедилар».

Имом Муслим ривояти.

10. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким астағфируллоҳал азиймаллазий ла илаҳа илла ҳувал ҳаййул қоййум ва атуубу илайҳ», деса, мағфират қилинади. Ҳатто урушдан қочган бўлса ҳам», дедилар.

Имом Термизий ривояти.

Интернет манбалари асосида тайёрланди